



MURABBIY

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

“MURABBIY”

**ILMIY-MA'RIFIY
JURNAL**

Issue:1 2021 | №1, 2021

<https://science.jspi.uz/>



Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor

B.M.Ochilova - Professor

D.Khodjimetova - assistant professor

A.Pardaev - assistant professor

M.N.Khoshimkhonov - assistant professor

A.I.Saidkasimov - assistant professor -

F.K.Akhmedov - assistant professor

B.E.Toshboev - assistant professor

I.N.Akhmedov - PhD

D.Salimova - PhD

N.N.Alimov - assistant professor

M.Saidov - Ph.D.

X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev

Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan

Phone: +998933091877

e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali
“Mentor” scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал “Наставник”

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

**Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan**



24	<i>Умаров Р.Т.</i>	Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари	152-155
25	<i>Isankulova Muxlisa, Alimova Qunduz</i>	Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirilish masalalari	156-159
26	<i>Mustafaqulova Dildora Ismatullayevna, Ismatullayev Otabek</i>	Biologiya darslarida o‘quvchilarning tizimli tafakkurini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish	160-166
27	<i>Нурийман Абулҳасан</i>	Глобаллашув даврида виртуал таҳдидларга қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари	167-178
28	<i>Тураев Абрар Салохиддинович</i>	XX аср охири– XXI аср бошларида марказий осие мамлакатларини демократлаштириш масалалари бўйича АҚШ неоконсерваторларининг ёндашувлари	179-184
29	<i>Тошбоев Бобомурот</i>	Ўртак ва шахсий намуна узликсиз маънавий тарбиянинг ажралмас қисми	185-188
30	<i>Eryigitov Dilshod</i>	Ta’lim jarayonida innovatsion pedagogik-texnologiyalarni qo’llash	189-192

XX АСР ОХИРИ– XXI АСР БОШЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА АҚШ НЕОКОНСЕРВАТОРЛАРИНИНГ ЁНДАШУВЛАРИ

*Тураев Аббар Салоҳиддинович,
Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси*

Марказий Осиё бўйича АҚШ стратегиясида Америка неоконсерваторларини диққатини тортган масала бу-Марказий Осиё мамлакатларини демократлаштириш масалаларини ҳал этиш ва демократик тамойилларни илгари суришдир. Бизга маълумки, 11 сентябр воқеаларидан сўнг АҚШ ташқи сиёсати асосан терроризмни олдини олишга ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган эди. 2002 йил давомида эса АҚШ сиёсий элитасида Марказий Осиё мамлакатлари тўғрисида етарли даражада аниқ тасаввурлар пайдо бўлди. Бунга мисол сифатида Қўшма Штатлар ва БМТ томонидан Афғонистонни демократлаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатларни келтириш мумкин.

2002 йилнинг февраль ойидан бошлаб Европа ва Евросиё масалалари бўйича АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Э.Жоунс америкаликларнинг бундай позициясини Марказий Осиё давлатларининг барча раҳбарларига етказишга ҳаракат қилган эди. АҚШ дипломатик муассасининг раҳбари сифатида у шуни таъкидлаган эдики, ҳақиқий хавфсизликни таъминлаш Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ўртасидаги фақат ҳарбий ҳамкорликка қаратилган эмас. Бунинг учун авваламбор, реал демократизация, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, иқтисоддаги бозор ислоҳотлари ҳам муҳим ҳисобланади.³³

Худди шу мазмунда 2002 йил июн ойида Конгрессда Европа ва Евросиё масалалари бўйича давлат котиби ёрдамчисининг ўринбосари Л. Пэскоу ҳам ўз фикрини айтиб ўтган эди: «2001 йил 11 сентябрдаги хужумлар бизнинг уйимизга катта хавфни олиб келди. Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатларига ўхшаш кучсиз давлатлар халқаро террористик гуруҳлар учун жуда қулай замин бўлиши мумкин. Бизнинг миллий манфаатларимиз учун эса Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни ривожлантириш ва уларга сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга ёрдамлашиш жуда муҳимдир».³⁴

³³ См.: Самуйлов С.М. Американское военное присутствие в Средней Азии и Конгресс //Ж США и Канада .- 2004. - № 8. – С 39.

³⁴ See.: Pascoe L., Deputy Assistant Secretary for European and Euroasian Affairs. The U.S. Role in Central Asia. Testimony Before the Senate Foreign Relations Committee, Subcommittee on Central Asia and the South Caucasus, 27.06.2002 (<http://www.state.gov>).

Бизга маълумки, Конгресс ва умуман Америка сиёсий элитаси Марказий Осиё мамлакатларини демократлаштириш бўйича қатъий талабларга эга эдилар. Терроризмга қарши глобал урушнинг асосий ғалабаси айнан шунда дея талқин этар эдилар. Бундан ташқари кўшни Афғонистоннинг муваффақиятли модернизациясини ўтказиш, уни эффектив, стабил ва ривожланувчи давлатга айлантириш учун керакли шароитни яратишда айнан юқоридаги демократик жараёнлар муҳим, дея тушунилар эди.³⁵

Умуман олганда АҚШ ташқи сиёсатида демократияни тарғиб этиш қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқлаб олиш лозим. Ироқ уруши натижаларининг нотўғри талқин этилиши неоконсерватизм ғояларидан умуман воз кечишга олиб келар эди. Вудро Вильсон руҳидаги сиёсат, яъни бошқа мамлакатларга нисбатан муносабатларда уларнинг ҳукумати ўз фуқароларига қандай муносабатдалиги эътиборга олиниши жуда тўғри ҳисобланади. Лекин бундай муносабатларга бироз реализм тусини бериш лозим. Айнан шу нарса Жорж Буш президентлик муддатининг биринчи босқичида унинг маъмурияти ва иттифокчи-неоконсерваторларига етишмас эди. Лекин Жорж Бушнинг дастлабки президентлик муддатида Вашингтон ташқи сиёсатининг натижалари Америка жамиятини шунчалик поляризацияга олиб келган эдики ҳозирда АҚШ нинг идеаллари ва манфаатлари ўртасидаги оптимал муносабатлар қандай бўлиши ҳақидаги баҳс-мунозараларни олиб бориш анча мураккаблашди.

Ҳозирда биз учун энг муҳими шуки, АҚШ нинг Дунё ҳамжамияти билан муносабатларни давом эттиришда янги ғояларни қидириб топиш ва унда неоконсерваторларнинг иллюзиядан воз кечган ҳолда жаҳонда инсон ҳуқуқларини тасдиқлаш лозимлигини таъкидлашдир.

С.Хантингтоннинг таъкидлашича, ҳозирда АҚШ ўз стратегияси сифатида белгилаган демократик кадриятлар, озодлик ва стабил ҳаёт тарғиботчиси сифатидаги хусусиятларини йўқотган ҳолда, бутунлай бошқа ўлчамларда ҳаракат қилмоқда. Унинг фикрича, АҚШ нинг ягона бошқарувчи сифатидаги ҳатти-ҳаракати қуйидагилардан иборат:

“Биринчидан, Америка кадриятлари ва демократик институтларининг сингдирилиши;

Иккинчидан, бошқа мамлакатларда ўз қуроли кучларини кенгайтириши ва ҳеч қандай кафолат чораларини кўрмаслиги;

³⁵ См.: Самуйлов С.М. Американское военное присутствие в Средней Азии и Конгресс //Ж США и Канада .- 2004. - № 8. – С 41.

Учинчидан, давлат суверенитети принципининг бузилиши; алоҳида давлатларнинг ички низоларига аралашishi ва демократия ва иқтисоднинг американча моделини ва ўз маданиятини сингдиришга уриниши;

Тўртинчидан, фақат ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат юритиш.³⁶

Танқидчилар АҚШ концепциясининг консерватив-либерал турини таклиф қилар экан, уларнинг фикрича, айнан шу вариантлар АҚШ ва бутун халқаро ҳамжамиятнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келиши мумкин. Шунга кўра, сиёсатшунос профессор Ч. Лейн бир кутбли дунёни рад этган ҳолда ўз моделини таклиф этади. Унга кўпроқ АҚШ ҳаракатларидаги эркинлик, дунёдаги йирик давлатлар ўртасидаги кучлар балансига риоя қилиш ва бошқалар яқиндир. Лейн ўз стратегиясини «эркин баланс» сифатида аниқлаб, уни гегемониянинг ҳар қандай турига қарама-қарши қўяди. У демократияни тарғиб қилишда гегемонистик ғоялардан воз кечишни таклиф этади. Бу келишмовчиликларнинг ҳал бўлишига, хусусан, Америка қуроли кучлари ёрдамидаги гуманитар интервенция ўтказилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.³⁷

Унинг ғояларига Ж. Кеннаннинг фикрлари мос тушади, яъни АҚШ учун ижобийлик шундаки, совуқ уруш натижалари авваламбор давлат ички иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишда қўлланилиши лозим.³⁸

Умуман олганда, Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан Вашингтон сиёсати бир неча муҳим масалалар асосида олиб борилар эди. Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйилган биринчи қадам бу – 1999 йилда Ипак йўли тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши ва 1961 йилдаги Хорижий ёрдам тўғрисидаги Қонуннинг янгиланиши бўлди. 2001 йил 11 сентябргача юқоридаги иккита қонун ва уларнинг қабул қилиниш шароитлари америка қонуншуносларининг Марказий Осиёда эришмоқчи бўлган хилма-хил мақсадларини ўзида ифода этар эди. Вашингтон ушбу минтақанинг хавфсизлик масалаларига эътибор 1999-2000 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган террористик хужумлардан сўнг кучайди. Жорж Бушнинг ҳукумат тепасига келиши эса Республикачилар партиясининг янги ташқи сиёсий йўналишларини белгилаб берди.

³⁶ См.:Фукуяма Ф. Неоконсерватизм в его нынешнем виде я принять не могу // Инт. <http://www.politnauka.org/person/fukuyama.html>. 01.03.2006.

³⁷ See.: Layne Ch. From Preponderance to Offshore Balancing // International Security, vol. 22, No. 1 (Summer 1997), pp. 86-112.

³⁸ See: Kennan G. Around the Cragged Hill: A Personal and Political Philosophy. N.Y., 1993, p. 183.

2000 йилдаги сайлов кампаниялари давомида Буш АҚШнинг бошқа давлатларнинг миллий давлатчилик қуриш жараёнида иштирок этишини ва қўллаб-қувватлашини таъкидлаб ўтди. Ўша вақтда АҚШ ташқи сиёсати масалалари бўйича бош маслаҳатчи лавозимида бўлган К. Райс (2000 йилда миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи лавозимида ўтган) янги республикачилар маъмуриятининг хавфсизлик доирасидаги муҳим вазифаларини белгилаб ўтган эди: “Вазминлик сиёсати (deterrence), америка манфаатларининг муҳофазаси учун кучларни шакллантириш, эркин савдо ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, иттифоқчилар билан муносабатларни мустаҳкамлаш, дунёнинг йирик давлатлари билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш (Россия ва Хитой мисолида) ва оммавий қирғин қуролларини яратишга қодир давлатларга нисбатан қатъий чоралар кўриш.”³⁹

2001 йил 11 сентябр воқеаларидан аввал Ж. Буш ҳукумати терроризм муаммосидан кўра кўпроқ мудофаа масалаларига эътиборни қаратган эдилар. Террористик хужумлардан кейин эса Вашингтон “Ал-Қоида” га ва терроризмни қўллаб-қувватловчи мамлакатлар, хусусан, Афғонистонга эътиборни қаратдилар. Шундан сўнг АҚШ ва НАТО қўшинларининг Афғонистонга киритилишига тайёргарлик бошланди. Тўсатдан Марказий Осиё минтақаси терроризмга қарши урушда муҳим аҳамият касб этувчи плацдармга айланди.⁴⁰

2001 йил октябр ойининг бошида АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфелд Ўзбекистонга ташриф буюради ва хавфсизликни кафолатлаш эвазига Қарши Хонабод ҳарбий -ҳаво базасида ўз қўшинларини жойлаштириш тўғрисида битим имзолайди. Худди шундай битимлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлар билан ҳам имзоланади. Кўпгина Америка сиёсатшунослари орасида Буш ҳукумати дастлабки фаолиятиданок ўта ғоялаштириб юборилган деган фикрлар мавжуд. Бундан ташқари, неоконсерваторлар «ғоялар кураши» даги ғалабаларга яна эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида тез-тез такрорлардилар.

АҚШ давлат департаментининг фикрига кўра, Марказий Осиё давлатларида инсон ҳуқуқлари ва демократияни ривожлантириш жуда муҳим жараён ҳисобланган. Давлат департаментининг дастурлари мустақил Оммавий ахборот воситалари ва журналистикани қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш, сиёсий партияларни ривожлантириш, қонун устуворлигини тасдиқлаш, диний эркинлик, жойлардаги бошқарув ва соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар

³⁹See: Rice C. Promoting the National Interest // Foreign Affairs. 2000. № 79. P. 45-62.

⁴⁰ См.: Зиглер Ч.Э. Стратегия США в Центральной Азии и Шанхайская организация сотрудничества //Ж Мировая экономика и международные отношения . – 2005. - № 4. – С 16.

ўтказишни ўз ичига олар эди. Давлат департаменти сингари Конгресс ҳам савдо ва хавфсизлик масалаларидан кўра кўпроқ инсон ҳуқуқлари ва демократия муаммоларига эътибор берган. Конгресснинг бир қатор кўзга кўринган аъзолари бир неча марта Марказий Осиёга эътиборни қаратишга уринганлар.

Марказий Осиёдаги демократик жараёнларга эътиборни қаратганимизда мамлакатимизнинг стратегик сиёсатининг асосий хусусиятларини келтириб ўтиш лозим:

Биринчидан, бизнинг асосий стратегик вазифамиз мамлакатда демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва инсонлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш;

Иккинчидан, биз ҳар қандай “назорат қилинувчи иқтисод” ва “бошқарилувчи демократия” моделларидан воз кечамиз;

Учинчидан, ўзбек моделининг асосий қисмини ташкил этувчи босқичма-босқич тамойилига амал қилиш;

Тўртинчидан, давлат ва ижтимоий тизимларни янгилаш ва бу борада ислохотлар ўтказиш;

Ҳеч қандай шубҳаларсиз шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиздаги депутатлик корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат ижтимоий ташкилотлар давлат ва ҳокимият тизимининг фаолиятини назорат қилишда асосий ижтимоий восита ҳисобланади.

И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Демократияни ва «очик жамият моделлари» ни экспорт қилиш мумкин эмас. Шунинг билан бирга давлат қурилишининг универсал лойиҳасини ҳам импорт қилиш мумкин эмас.»⁴¹

Универсал, яъни барча моделлар учун бир хиллик табиатда умуман мавжуд эмас. Шундай экан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим хусусиятлари АҚШ сиёсатидаги неоконсерватив ғоялар билан тўғри келмаслиги бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Минтақада ғарб томонидан демократияни ривожлантириш, тезлаштириш ҳаракатлари ва демократик идеалларни сунъий сингдириш тескари натижага олиб келиши мумкин, яъни учинчи куч фойдалана олувчи вазият вужудга келиши мумкин. Учунчи куч эса бу - радикал исломдир. Аҳолисининг деярли 80% и ислом динига эътиқод қилувчи Марказий Осиё минтақасида бундай вазият турли хилдаги экстремистик ва террористик гуруҳлар учун қулай шароит яратиши мумкин. Ҳа, биз ғарбнинг фикрларига ҳамоҳанг ҳолда ҳаракат қилишимиз,

⁴¹ См.: Выступление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на пятом пленарном заседании Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Февраль 24, 2006. www.uza.uz

интилишимиз лозим. Лекин ҳозирги кунга келиб ҳатто демократиянинг машҳур тарафдори Збигнев Бжезинский ҳам демократияни экспорт ёки импорт қилиш мумкин эмаслигини тан олади.⁴²

Бу нарса фожеали яқун топиши мумкин. Бундан ташқари демократик жараёнларни ҳам экспорт қилиб бўлмайди. Барча белгилар эволюцион йўл орқали содир бўлиши лозим. Инсон онги ривожланишига қараб, барча жараёнлар ҳам шунга мос ҳолда етилиши керак. Ҳеч қандай президент ёки ҳеч қандай раҳбар демократик жараёнлар ривожланишининг қонуний йўллари ва инсон онгидаги демократик даражанинг ўсишини тўхтата олмайди. Агар кимдир бундай ҳолатга қарши чиқадиган бўлса, уни айнан шу объектив жараённинг ўзи улоқтириб ташлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказий Осиёда неоконсерваторларнинг сиёсати ва геостратегияси у ёки бу структураларни бирлаштириб турувчи кичик қисмлардан иборат ягона тизимга ўхшайди. Бундай кичик элементларга Марказий Осиёни демократизация қилиш масалалари ҳам киради.

Бизга маълумки, АҚШ геосиёсатида неоконсерваторларнинг аҳамияти жуда катта бўлганлиги туфайли Марказий Осиё бўйича амалга оширилган сиёсат айнан уларнинг конструктив геостратегиясига асосланади. Марказий Осиё минтақасини бошқаришда ва уни демократизация қилишда АҚШнинг амалга ошираётган сиёсати минтақадаги қўшни давлатларнинг манфаатларига путур етказиши мумкин.⁴³

Умуман олганда, Марказий Осиё минтақасида содир бўлган барча воқеалар ғарб стандартлари асосидаги демократик жараёнларни ўтказиш бизнинг минтақамизда салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини исботлади. Минтақадаги хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг ўрни жуда катта. Ҳозирда мамлакатимиз ташқи сиёсатини субъектив бир томонлама ғарбий ёки шарқий йўналишда олиб бориш мумкин эмас.

Биринчидан, бундай сиёсат Россия ёки АҚШ, Европа минтақасидаги йирик давлатларнинг манфаатларига мос келмаслиги мумкин. Чунки минтақадаги ҳеч бир глобал муаммо айнан юқоридаги давлатларнинг иштирокисиз ҳал бўлмайди. Шунинг учун ҳам минтақа давлатларининг асосий мақсади авваламбор Марказий Осиёдаги ҳар бир давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдир.

⁴² См.: Бжезинский З, Великая шахматная доска. –М., 1998.

⁴³ См.:Фукуяма Ф. Неоконсерватизм в его нынешнем виде я принять не могу // Инт. <http://www.politnauka.org/person/fukuyama.html>. 01.03.2006.